



PEDAGOGIK MAHORAT

MS
2021



Ширинбай ОЛИМОВ

Бухоро давлат университети

педагогика кафедраси мудири,

педагогика фанлари доктори, профессор

ТАЪЛИМНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЭЛЕМЕНТИ

Уибу мақолада таълимни технологиялаштиришининг асосий элементи сифатида мақсадни белгилашининг илмий-назарий асослари ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўқув мақсадларининг шажараси, ўқув мақсадларини қўйши технологияси, аниқ ифодаланган мақсадлар, мақсадларни аниқлаштириши, ўқув предметининг мақсади, ўқув бўлимлари мақсади, педагогик мақсадлар таксономияси кабилар изоҳланган.

Калим сўзлар: педагогик технология, таълим технологияси, ўқув мақсадларининг шажараси, ўқув мақсадларини қўйши технологияси, аниқ ифодаланган мақсадлар, мақсадларни аниқлаштириши, ўқув предметининг мақсади, ўқув бўлимлари мақсади, педагогик мақсадлар таксономияси.

В данной статье разработаны научно-теоретические основы постановки цели как основного элемента технологического развития образования. Также объясняются генеалогия образовательных целей, технология постановки образовательных целей, четко выраженные цели, определение целей, цель предмета, цель учебных отделов, таксономия педагогических целей и др.

Ключевые слова: педагогическая технология, образовательная технология, генеалогия образовательных целей, технология постановки образовательных целей, четко выраженные цели, определение целей, цель субъекта образования, цель образовательных отделений, таксономия педагогических целей.

This article develops scientific and theoretical foundations of goal setting as the main element of technological development of education. Also explained the genealogy of educational goals, educational goal-setting technology, explicit goals, goal definition, the purpose of the subject, the purpose of educational departments, taxonomy of pedagogical goals, etc.

Key words: pedagogical technology, educational technology, genealogy of educational goals, technology of educational goal setting, explicit goals, goal definition, the purpose of the subject of education, the purpose of educational departments, taxonomy of pedagogical goals.

Кириш. Янгиланган таълим тизими, ўқитиш мазмуни асосида ўқув дарслклари, адабиётларнинг янги авлодини яратиш ўқув-тарбия жараёнига ва дарсларни замонавий педагогик технологиялар билан ўқиши талаб қиласди. Педагогик технология тизимида ўқув машғулотларини лойихалаштириш мухим аҳамият кашф этади. Ўқув машғулотини лойихалаштиришда ўқитувчи, аввало, ўқитиш жараёнини, ўқитиш натижаларини таҳлил қилиши, ўқувчиларни мустақил фикрлаш, мустақил ўқиши, билимларни ижодий таҳлил қилишга ўргатиши, ўзлаштирилган билимларни кўникмаларга айлантириш учун ўқув мавзулари бўйича методик тизимни яратади, ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар мазмунини ишлаб чиқади. Яратилган методик тизим ва ўқув маълумотлар мазмуни ёрдамида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини ташкил этади ва ўқув машғулотлари учун билиш фаолиятининг ташкилий шакллари (назарий дарс, амалий машғулот)ни мақсадга мос танлайди ва уни ечишга йўллади. Бунинг учун ўқитувчи, аввало, ўқитиш жараёнини, унинг тузилишини аниқ тасаввур қилиши лозим.

Асосий қисм. Маълумки, ҳар қандай жараён маълум натижаларга эришиш учун олдинга қараб интилиш, харакатлар йигиндисидан иборат. Ўқитиш жараёни ўқувчини билмасликдан билишгача, яъни оддий нарса ва ҳодисалар моҳият-мазмунини билишдан, мураккаб нарса ва ҳодисалар мазмунини билишга бўлган харакат йўлини англатади. Бу жараёнда ўқувчининг билиш қизиқишилари, қобилиятлари, амалий кўникма ва малакалари шаклланади, дунёқарашлари таркиб топади, ахлоқий-эстетик фазилатлари тарбияланади. Яъни ўқувчи шахс бўлиб шакллана боради. Шунга асосан ўқитиш жараёни таълим ўргатувчи - ўқитувчи ва таълим олувчи - ўқувчи фаолият ҳамкорлигининг йигиндисини ташкил этади. Бу жараён маҳсулли бўлиши, илмий техник тараққиёт талабларига жавоб берishi учун лойихалаш лозимdir.

Таълим жараёнининг тузилиши тўғрисида маълумотларга эга эканлигимизни ҳисобга олиб, бу жараён тўғрисида кенг тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ эмас деб биламиз ва унинг айrim таркибий қисмларини эслатиб ўтамиш. Жараён сифатида таълим уч элемент (белги) бирикмасидан иборат: ўқитиш (ўргатувчининг таълим берувчи фаолияти), ўқиши (таълим олувчининг билиш фаолияти) ва таълимнинг мазмуни (уларнинг биргаликдаги фаолият обьекти) [6, 74-75].

Ўқитиши, ёхуд ўргатувчи фаолияти, билим олувчилар фаолиятларини бошқариш, яъни ўқувчиларнинг ўқув ишларини уюштириш, уларнинг билиш (идрок, хотира, диккат, тафаккур, тасаввур) жараёнларига раҳбарлик қилиш, назорат уюштириш, маънавий-ахлоқий сифатларини таркиб топтиришни назарда тутади [4, 66].

Ўқиш ёки ўрганиш, ўқув фаолияти, билим, кўйикма, малакаларни ўзлаштиришнинг мураккаб жараёни бўлиб, ўқувчининг ақл-заковати, иродавий ва жисмоний куч-ғайрати, интилишлари асосида уни ривожлантирилади. Ўқитиши жараёнининг бу икки элементи (ўқитиши ва ўқиш) бир мақсад: таълимнинг хилма-хил воситалари ва методларидан фойдаланиб, ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, ижтимоий буюртмани ҳал этишга қаратилган. Шунга кўра бу жараёнда шахснинг қобилияtlари, фазилатлари, маънавий-ахлоқий сифатлари, билиш қобилияtlари (тафаккур, хотира, ҳаёл, ирова ва х.к.) ривожланади, бўлажак касб эгаларида ташаббускорлик, ижодкорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик ривожланади ва ўқув меҳнати маданияти тарбияланади.

Мазкур жараённинг самарали бўлиши, ижтимоий буюртманинг аниқ ҳал бўлиши ва қўзланган мақсадга эришиш учун, ўқитиши жараёнини лойиҳалаш, яъни таълим жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш талаб қилинади. Зоро, “Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадига эришишини кафолатлайдиган ўқув-билиш (ўзлаштириш) жараёни лойиҳалаштирилади” [5, 32].


Хўш лойиҳа нима? Ўқув лойиҳаси, ўқитиши жараёнини лойиҳалаштириш деганда нима назарда тутилади?

Лойиҳа (лотинча projectus- олдинга ташланган) - тасвир, асосланма, аниқ ҳисоб-китоб, чизмалар шаклида акс эттирилган гоя, маълумотнинг моҳиятини очиб берувчи, уларни амалга оширишнинг аниқ йўлларини белгилаб берувчи гоялар, фикрлар, образлардир.

Ўқув лойиҳаси – аҳамиятга молик назарий ёки амалий муаммоларни таълим олувчилар томонидан амалга татбиқ қилишнинг тадқиқотчилик, изланувчанлик, ижодкорлик иш туридир.

Ўқитишини лойиҳалаш эса таълимнинг умумий мақсади, мазмuni ўқув мақсадлари ўқиши, ўзлаштиришни баҳолаш, тузатишлар киритишидир. Демак, ўқитиши жараёнини лойиҳалаш учун ижтимоий буюртма сифатида таълимнинг умумий мақсадлари асосида, ўқув мақсадларини, бунинг учун ўқиши ва ўқитиши, ўзлаштиришни режалаштирган ҳолда, ўқув натижаларини кафолатлаш тизимини ишлаб чиқиш лозим экан. Шундай қилиб, педагогик технологияда ўқув мазмuni асосида ўзлаштириш натижаларини кафолатлаш учун, ўқув мақсадлари ойдинлаштирилади ва ўқув машғулотлари лойиҳалаштирилади. Бу қайта тақрорланадиган, тикланадиган тузилма деб қарайдиган бўлсак, унда ўқув жараёни маълум модуллар, бирликлардан иборат бўлади, улар умумий ҳолда ушбу модуллар, бирликларнинг кўшилиши асосида ягона ва яхлит мазмунга келтирилади. Бунга энг муҳими, тақрорланадиган, қайтариладиган ва тузатишлар киритилган, асосланган тескари алоқанинг мавжудлигидир. Буни М.В.Кларин томонидан ишлаб чиқилган “Ўқув жараёнининг қурилиши” номли схемада кўриш мумкин [3, 14].

Ўқув жараёнининг қурилиши



Таблицадан шу нарса кўзга ташланадики, ўқув жараёни таълим мақсадлари умумий тарзда қўйилмоқда ва у таълим мазмунини белгилаб бермоқда. Умумий мақсад ва мазмун, ўқув мақсадларини аниқлаштириш орқали ифодаланиб, ўқиши, ўқитиши ишлари йўлга қўйилаяпти ва ниҳоят билим олаётганларнинг ўзлаштириш даражаси дастлабки синовдан ўtkазилаяпти ҳамда йўл қўйилган хатоларни тузатиш ўқув мақсади, ўқувчи, ўқитувчи диккатига хавола этилиб, ўқув соҳаси бўйича бажариладиган ишлар тизимига тузатишлар киритилаяпти. Энг муҳим хусусият, ўқиши-ўқитиши жараёнига тузатиш киритувчи, тескари алоқа йўлга қўйилаяпти. Бунда анъанавий таълимда кўзда тутилмаган педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти – ўқув жараёнининг кафолатланган натижага эришиш мақсади амалга ошайапти.

Маълумки, ўқув жараёни учта бир-бiri билан боғлиқ ўқитишининг таркибий қисмларидан ташкил топган: 1. Мотивлар (M); 2. Ўқувчининг ўкиш фаолияти (ЎФ); 3. Ўқитувчининг бошқарувчилик фаолияти (БФ). Шундай қилиб, ўқув жараёнини қуйидаги формула тарзида ифодалаш мумкин. ЎЖ=М+ЎФ+БФ: Мана шу формула асосида мақсад ойдинлаштирилади, технологиялар белгиланади, фаолият йўлга қўйилади ва амалга оширилади. Буни олдиндан режалаштириш ёки ўқув жараёнини лойиҳалаштириш деб атайдилар. Педагогик технологиянинг бу

қисми амалда қўлланилганда таълимнинг табиатга уйғунлик қоидасига асосланса, яъни ўқитувчининг табий хусусиятлари - қизиқиши, истак-ҳоҳиши, эҳтиёжи, қобилияти, ақлий кучлари ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришда мазкур ҳолат ҳисобга олиниши даркор. Педагог олим М.Очиловнинг таъкидлашича, педагогик технология усулининг энг муваффақият, таълимни режалаштирилган мақсадига эришишни кафолатлайдиган ўқув-билув жараёнини лойиҳалаштирилади. Мақсадни кўзлаш, жорий натижаларини текшириб бориш, ўқув маълумотнинг айрим бўлакларига ажратиш – ўқув жараёнини ташкил этишининг бу белгилари - қайта ишлаб чиқладиган (такрорланадиган) таълим циклига хос хусусиятлардир. Бошқача айтганда, тақрорланадиган таълим цикли амалга ошади ва у қуидаги қисмларни ўзида мужассамлаштиради:

- таълим мақсадларини умумий белгилаш;
- умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш;
- ўқув амаллари мажмую;
- таълим натижасини баҳолаш.

Ўқув жараёни бундай такрорланадиган шаклга эга бўлгани учун модул характеристерини касб этади, алоҳида блок(қисм)ларга ажратилади, улар турли мазмунга, лекин умумий тузилишга эга бўлади [5, 32-33]. Педагогика фанлари доктори, профессор О.Розиқов таълим технологиясининг амалий асоси - таълим лойиҳасини тайёрлаш ва лойиҳани амалга оширишдан иборат бўлади деб таъкидлайди [7, 12-13]. Муаллифнинг фикрича ўқув машғулотларини лойиҳалашда ўқитувчи таълим мақсади, таълим мазмуни, дастур, дарслик, ижодий фаолиятга йўналтирувчи топшириклар мазмунини, ўқитувчи - ўқувчининг олдинги иш фаолияти мазмуни, келажакдаги амалга ошириладиган фаолияти инобатга олинади. Бунда ўқув дастури, дарсликлардан ўрин олган ҳар бир мавзунинг ўқувчи томонидан тўлиқ ўзлаштирилишига, билим даражасининг малакаларини мавжуд бўлган талаблар билан таққослашга эътибор қаратилиши керак. Ўқув жараёнини лойиҳалашда ўқувчиларнинг белгиланган мақсад сари ҳаракатланиши узлуксиз назорат қилишни эътибордан чиқармаслик керак.

Муҳокама ва натижалар. Ўқув машғулотининг ҳар қандай босқичини лойиҳаланишига технологик жиҳатдан ёндашилганда қуидагиларга эришилади:

- таълим босқичининг умумий мақсаддан келиб чиқиб, ойдинлаштирилган мақсадни белгилаш;
- ойдинлаштирилган мақсадга эришиш учун ўқитиши шакллари, усувлари, воситаларини олдиндан танлаш;
- ташхисланган ўзлаштириш натижаларига асосланishi.

Бунда ўқув жараёнини лойиҳалаштиришнинг ўзига хос томони шундаки, таълим натижаси репродуктив равищда ўзлаштириладиган билим, кўнікма ва малакалар билан чегараланиб қолмасдан, ўқув жараёнига ижодий, тадқиқотчилик нұктаи-назардан ёндашиш ҳам йўлга қўйилади.

Шундай қилиб, таълим жараёнига педагогик технологияларни татбиқ қилиш, яъни таълим мақсадларини ойдинлаштириш, мақсадга кўра таълим натижаларини кафолатлаш, таълим жараёнида ўқувчилар фаолиятини мустақиллаштириш, фаол ва ижодий ишларни йўлга қўйиш, ўқув жараёнини лойиҳалаштириш бу педагогик технологияга хос хусусиятдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, педагогик технологияга асос солгунга қадар, таълим тизимида ўқув жараёнини лойиҳалашни аниқ ва самарали қонун-қоидалари ишлаб чиқилмаган. Фақат таълим ваъзхонлиқдан иборат бўлиб қолган. Педагогик технология, ўқитувчига ўқитиши жараёнини лойиҳалашни амалга ошириш учун кенг фаолият майдони яратиб, бу камчиликка барҳам берди. Натижада таълим тизимида ўқиш-ўқитиши жараёнларини лойиҳалаш бўйича аниқ ва етарли қонун-қоидалар олимлар томонидан яратилмоқда. Бу айни пайтда педагогика ижодий камолот йўлини очиб бериш деганидир.

Педагогик технологияларнинг ўзига хос яна бир хусусияти шундан иборатки, режалаштирилган ўқув мақсадларига эришиш учун натижага кафолатланиб, лойиҳаланади ва амалга оширилади. Бунда технологик ёндашув майдонга келиб, ўқитувчи ўқувчига баён қилувчи, таърифловчи, маълумотларни хотирада сақловчи лойиҳалаштирилган натижага эришишни таъминлайдиган технологик схемани беради, оқибатда қайта тикланадиган таълим цикли вужудга келади.

Бу кўпгина педагогик олимларнинг фикрига кўра ўқитувчининг даврий равищда давом этадиган ҳаракат алгоритми бўлиб, таълим мазмунининг янги бўлимларига тақрор-такрор кўллаши натижасида ўқув жараёни ўз мақсадига эришади.

Бундай алгоритмнинг аниқлиги ва муваффақиятлиги ўқув мақсадларини тўлиқча стандартлаштирилган тилга таржима қилиниши орқали таъминланади. Бундай стандартлаштириш ўлчови қуидагича бўлиши мумкин: а) юқори, бироқ абсолют эмас; б) абсолют.

Биринчи ҳолда, мақсадларнинг мураккаблиги уларни тўлиқ кузатувчи ҳаракатлар тилига таржима қилиш имконини бермайди ва цикл бутунлай қайта тикланадиган ҳисобланмайди.

Иккинчи ҳолда биз ўзига хос конвейер жараён ҳисобланган репродуктив типдаги таълим билан иш кўрамиз.

Педагогик технологиялар асосида таълим жараёнини ташкил қилишда лойиҳалаш босқичида энг юкори малака талаб этилади. Шу боис энг малакали методистлар гурухи педагогик технологиянинг қоидалари ва принциплари асосида методик материалларни ишлаб чиқадилар. Ана шундай материаллар мавжуд бўлганда педагогларнинг асосий фаолияти ташкилотчилик ва маслаҳат бериш билан боғлиқ бўлади.

Ўқув жараёнининг барча босқичларида бутун тизимнинг асосий технологик хусусияти - ўқув жараёнининг якуний натижага қараб бораётганлигини қузатиш мумкин бўлади.

Умумий ҳолда педагогик технология таркибига қўйидагилар киради деб ҳисоблаш мумкин:

- идентификацияланадиган (ойдинлаштириладиган) ўқув мақсадларни ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларининг таксономияси (кенг қамровли гурухланиши)ни ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантириш;
- мақсадларга эришиш усули (қатор қоида ва принциплар) ни ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларига эришишни баҳолаш.

Шундай қилиб, таълим жараёнининг курилмаси, уни лойиҳалашнинг: а) таълим мақсадлари ва натижаларни белгилашни; б) натижалар асосида (диагностикалаш орқали) назорат топшириқлари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиши ҳамда ўқув машғулотининг технологик харитаси (дарс конспекти)ни ишлаб чиқиш босқичларини амалда қўллашни назарда тулади.

Педагог одатда ўқитиши давомида ўқувчилар ўқув маълумотларини қанчалик ўзлаштирганликлари, аниқ билимларга эга бўлганликларидан хабардор бўлсагина, ўқувчи (талаба)ни янги билимлар билан қуроллантира олади. Шунга кўра ўқитувчи ўз олдига талаба (ўқувчи) ўқув ахборотлари, маълумотларининг мазмунини тушуниши, ўзлаштириб олиши ва амалда қўллай олишни ўргатишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бу, одатда, ўқув мақсади деб юритилади. Зоро, у таълим жараёни охирида кутилаётган натижага тавсифидир. Таълим жараёни икки жонли мавжудотнинг иштирокида кечганлиги сабабли ўқитувчи ўргатиш мақсадини, ўқувчи ўрганиш мақсадини амалга оширади. Шунга асосан “Ўқув мақсадлари бу - аниқ таълим жараёнининг якунида таълим ўрганувчилар томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган тажриба, **хатти-ҳаракат** билан боғлиқ бўлган амалий вазифаларни бажара олишга йўналтирилган фазилатлар йиғиндиси ва таълим ўргатувчи томонидан унга эришиш учун белгилаган фаолият мезонидир”. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ўқув мақсади олдиндан кўзланган манзил ҳосиласидир. Зоро, қандай овқат пиширишни билмасдан туриб, овқатга масаллиқ тайёрлашнинг маъноси йўқ. Шундай қилиб, мақсад, фаолият ёки меҳнат натижаси экан, уни лойиҳалаш бугунги таълимнинг долзарб муаммоларидан бири.

Таълим мақсадининг аниқ лойиҳаланиши, ўқиши давомида ўқувчилар билимларни қанчалик ўзлаштирганликларидан хабардорлик, талабанинг ҳаракатлари (фаолияти)га асосланиб ўқитиши педагогик технологиянинг муҳим жиҳатларидир.

Анъанавий таълим тизимида, ўқув мақсади мактаб, шу жумладан, ўқитувчи жамиятнинг ўқув юрти олдидаги умумий буюртмаси сифатида баён этилади. Ҳатто, ўқув дастурлари, дарслер, қўлланмаларда ҳам ўқув мақсадлари умумий тавсифланган бўлиб, унинг ягона таркиби йўқ. Шу боис педагогик технологияга асосланган ўқув мақсадларни маълум кетма-кетлиқда кўриш мумкин: жамиятнинг умумий буюртмаси - таълим тизими талabalari - ўқув юрти вазифалари - ўқув предмети мажмуаси топшириклари - ўқув бўлимлари ва ниҳоят - таълим олувчилар (хусусий) ўқув мақсадлари шажараси кўзга ташланади. М.В. Кларин ўзининг “Ўқитиши жараёнида педагогик технология” номли рисоласида ўқув мақсадларини турли мамлакатларнинг ўқитувчилари фаолияти ва иш услубларига хос бўлган қўйидаги тиник усусларни тавсия этади: [3, 16-18].

1. Мақсадларни ўрганиладиган таълим мазмуни орқали белгилаш.

Ўқитувчи, одатда, дарснинг мақсадини “Бобур лирикасини ўрганиш” ёки “Биринчи бобнинг мазмунини ўзлаштириш” кабилар. Бунда таълим мақсад ўрганилаётган предметнинг, бўлимнинг мазмунини кўрсатади. Мақсад бундай ифодаланганда таълим мақсади таълим олувчилар томонидан мақсадга эришилганликни аниқлайди, қийинчилик туғдиради. Келтирилган мисоллардаги “мақсадлар” мавхум бўлиб улардан мақсаддага эришилганини ўлчаб, аниқлаб бўлмайди.

2. Таълим мақсадини ўқитувчи фаолияти орқали аниқлаш.

“З.М.Бобурнинг бадиий-педагогик меросини ўргатиш”, “10 ичидаги қўшиш амалига доир мисоллар ишлатиш”. Мақсадни бундай қўйишда эътибор муаллимнинг фаолиятига қаратилади. Бунда ҳам педагог фаолиятининг реал натижасини аниқлашда қийинчилик туғилади.

3. Таълим мақсадларини талабанинг интелектуал, эмоционал, шахсий, ахлокий, эстетик жараёнлари шаклида ифодалаш.

Масалан, “Кузатилган жонли табиат ҳодисаларини таҳлил этиш малакасини ҳосил қилиш”, кўпайтириш ва бўлишга доир амалларни мустақил бажариш қобилиятини ўстириш”, “Экологик ҳодисаларга қизиқиши шакллантириш” кабилар. Таълим мақсадини бундай умумий тарзда белгилаш ўкув юрти, ўкув фани ёки бир гурӯҳ ўкув предметлари даражасида бўлиши мумкин. Лекин айрим машғулот, дарснинг мақсадни бундай кенг ифодалаш фойдасиз. Бундай дарсда, машғулотда қандай натижага эришилишини билиб бўлмайди.

4. Таълим мақсадини талабанинг ўкув-билиш фаолияти орқали белгилаш.

“Машғулотнинг мақсади – юз ичидаги қўшиш ва айришга доир масалалар ечиш”. “Қизиқиши шакллантириш”, “Давлат рамзлари тўғрисида тушунчани ривожлантириш”, “Адабиёт терминларини ўрганиш жараёнида нуткни ривожлантириш. Бир қарашда таълим мақсадини бундай қўйиш машғулотни режалаштириш ва ўтказишида ноаниқликлар киритилганда бўлиб кўринади. Бу ерда ҳам фикримизча энг муҳим нарса – кузатиладиган натижага, унинг оқибати назардан четда қолади. Мақсад умумий белгиланиб, ҳар бир дарс, мавзу мақсади аниқланмаган ойдинлаштирилмаган.

Педагогик технология тарафдорлари ҳақли равишда таъкидлаганларидек, таълим мақсадларини предмет мазмуни, педагог ёки ўкувчи фаолияти жараёни орқали аниқлаш таълимнинг кўзда тутилган натижалари ҳақида тўла тасаввур бермайди. Улар ҳақида мулоҳазани фақат ташки кўриниш – ўкувчининг ташки ифодаланган фаолияти бўйича юритиш мумкин. Таълим натижасини аниқлаштириш мақсадини ўз олдига қўйган педагог унинг ташки кузатиладиган белгилари (нутқ, ҳаракат)ни максимал равишда тўлиқ ифодалашга интилади. Таълим натижасини ифодалашни унинг ташки белгиларини рўйхатга олиш орқали амалга оширишга уриниш уни жуда соддалаштириб юбориш демакдир. Бироқ илмий мақсадларда ҳам, амалий мақсадларда ҳам мураккаб ҳодисаларнинг соддалаштирилган моделлари зарур бўлади. Педагогик технология таклиф килаётган ўкув мақсадларини қўйиш усули ўта инструменталлиги билан фарқ қиласди. Бу шундан иборатки, таълим мақсадлари таълим натижалари орқали ифодалаб ўкувчининг турли-туман фаолиятида намоён бўлади. Ўкув мақсадлари шундай фаолиятда ифодаланадики, уларни ўқитувчи педагог ёки бошқа бирор эксперт аниқ таниб олиши ёки ўлчаши учун имконият бўлади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, педагогик технологияда таълим мақсадлари педагог ёки бошқа бирор эксперт томонидан аниқ таниб олинидиган ёки ўлчанадиган ўкувчиларнинг фаолиятлари билан ифодаланувчи таълим натижалари орқали қўйилади.

Кундалик амалиётда педагог ва ўкувчи учун мақсадларни алоҳида-алоҳида ифодалаш қабул қилинган. Бу мантиқка тўғри келади, чунки таълим - бу педагогни ўқитиш бўйича ва талабани ўқиши бўйича ҳамкорликдаги фаолиятидир. Бунда “мақсад” ўқитувчи фаолиятига тааллуқли (ўргатмоқ, тушунтиримоқ, намойиш қилмоқ, ҳикоя қилмоқ), таълим оловчи ўкувчилар ҳаракати орқали ифодаланган режалаштирилган таълим натижалари “вазифа” деб айтилади.

Вазифани тўлиқ диагностик қилиш, таълимни эса қайта тикланадиган жараёнга айлантириш учун ҳар бир мақсадга эришиш меъёрларини ўртага қўймоқ зарур, яъни ўкув мақсадлари шундай ифодаланиши керакки, унга эришилганлик ҳақида аниқ мулоҳаза юритиш мумкин бўлсин. Шуни таъкидлаш лозимки, педагогик адабиётда вазифани (ўкувчилар ўқишидан кўзланган натижага деб тушунилганда) баъзан ойдинлаштирилган ўкув мақсадлар деб атайдилар, (М.В. Кларин). “Вазифа” сўз бир неча маъноларга эга. Бундан буён ўкувчилар таълим натижаларини катта аниқликда баён қилиш учун тенг ҳукукли тушунчалар (контекста мос равишда) “Вазифа” ёки “ойдинлаштирилган ўкув мақсад” билан белгилаймиз.

Тўлиқ идентификацияланган ўкув мақсадларини абсолют бир маънода баён қилиш ғояси ўзининг энг сўнгти ифодасида ўкувчилар ўкув фаолиятини анъанавий ноаниқлик, мужмаллик тарзида эмас, балки кузатиладиган, ўлчанадиган **хатти-ҳаракат** терминларида баён қиласди.

Америкалик олим, дастурли таълимнинг асосчиси Б.Скиннернинг таъкидлашича таълимга бошқача ёндашилганда, ўқитувчи ўқитиши методикасини ишлаб чиқилмаганлиги туфайли у таълим мақсадини қайта таърифлашга мажбур бўлади ва уларни шунчалик ноаниқ ифодалайдики, натижада уларнинг натижаларини эксперементда текшириб кўриш мумкин бўлмайди.

Ўқитиши мазмуни одатда тематик йўналишга эга бўлганлиги билан характерланади ва унда аниқ, қиймати ўкув мақсадларини ажратиш маълум қийинчлилик туғдиради.

“Вазифа” (идентификацияланадиган ўкув мақсадлар) учун ўқиши жараёнида ўкувчи бажара оладиган аниқ операцияларни ва уларни баён қилишини ёки ўлчашни аниқ ифодаловчи феълларга устунлик берилиши лозим. “Ойдинлаштирилган ўкув мақсад (вазифа)ларни шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилиб у қўйидаги схема бўйича: ўкув масалани ўрганишнинг умумий мақсади -

хусусий ўкув мақсади - идентификацияланадиган ўкув мақсад (вазифа)га аста-секин ўтиш билан якунланади. Мазкур ифодалардан умумлашган таълим мақсадларни ўкув юрти, ўкув предмети ёки предметлар туркуми даражасидаги мақсадларни билиб оламиз. Айни пайтда бизга алоҳида машғулот (дарс) ёки дарслар туркуми даражасидаги мақсадларни аниқлаш ҳам жуда муҳимdir.

Бироқ вазифа (идентификацияланадиган ўкув мақсад)ларни аниқ ифодалашда қийинчиликлар бўлиши табиийdir. Баззи ҳолларда таълим натижаси алоҳида-алоҳида таркибий қисмларга бўлинади ва элемент бўйича ишлов берилади. Шу боис идентификацияланадиган ўкув мақсадлар ва уларни тест топширикларига ўтказиш схемаси тўлиғича ишлайди. Бошқа ҳолларда бир бутун уни ташкил этувчи қисмларнинг йигиндинисига тенг бўлмайди ёки бу қисмларни бир маънода баён қилиш қийин. Бу ҳолда ҳам ўкув мақсадларни идентификациялаш мумкин, бироқ у қийин кечади.

Шуни таъкидлаш лозимки, педагог олдида ҳамиша танлаш туради: репродуктив рамкалар билан чегаралайдиган “қаттиқ” идентификацияланадиган мақсаддан фойдаланиш зарурми ёки таълимни қидирув усулида фойдаланишга имкон берадиган таълимнинг ноаникроқ мақсадларини ифодалаш мақсадга мувофиқми? М.В.Кларин таъкидлаганидек, биз ижодий характердаги мақсадларга мурожаат қилишимиз биланоқ, уларнинг белги (аниқ ўкув натижа)ларини бир маънода, тўлиқ объектив баён қилиш имконияти бир мунча пасайди. Ўқитувчининг баҳоси эксперт тарзида бўлиб, у кўп жиҳатдан интуитив бўлиб қолади ва унинг маданий даражасига, ижодий тафаккур қилиш имкониятига боғлиқ бўлади. Шу боисдан ҳам “Ўкув мақсадларнинг “қаттиқ” характеристери бир мунча юмшатилиши зарур ва ижодий характер типидаги мақсадларни баён қилишда маълум ҳисса ноаниқликнинг бўлишига кўнишишимиз керак” [3,13].

Янги педагогик таълим бугунги кунда барча ўкув юртлари (умумий ўрта, ўрта маҳсус, касбхунар таълими олиш)ни битириб чиқаётган ёшлар қандай илмий билим, кўнирма, малакаларига эга бўлишлари, ўзлари ва жамият учун қандай фойда келтиришлари тўғрисида ўйлашлари, қайғуришлари табиийdir. Зоро, янги XXI асрнинг илмий-техникавий тараққиёти нафақат ишлаб чиқаришнинг кўп сонли тармоклари учун, балки маънавий-маданий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларида ҳам мукаммал илмий аҳборот, маълумотларга эга бўлган, фанни ишлаб чиқариш билан, ҳаёт билан боғлаб олиб боришига қодир шахслар кераклигини тақозо қилмоқда.

Хулоса. Шундай қилиб, мамлакатда янгилашга сифат жиҳатидан жаҳон андозаларига мос келадиган узлуксиз таълим тизими яратилдики, у мустақил, демократик Ўзбекистонни жаҳон ҳамжиҳатлигига ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий мавқенини мустаҳкамлашга асос солади. Чунки юкорида қайд қилинган таълим ислоҳотларига муносиб жавоб қайтариш, истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халкимизга унинг фаровон турмушни таъминлашга хизмат қилиши керак. “Ватан, мамлакат таълим муассасаларининг бош мақсади - XXI аср мактабини шакллантиришдан иборат бўлиб, бугунги кунда янги асрга амалиётимиздаги қайси ибратли жиҳатларни олиб ўтамиз, ишимиизга наф келтирмайдиган қайси салбий омилларни ўтган асрда қолдирали, XX асрда очилмаган муаммоларимизни бартараф этишга қай ўйл ва услугуб билан ёндашамиз ва бунинг учун қандай самарали ва таъсирчан омиллар топишимизни олдиндан сарҳисоб қилиб қўйишидан иборатдир” [2, 5]. Шунга кўра янги “Таълим тўғрисида”ги Конун жаҳон амалиёти меъёрларига мос кела оладиган, миллий истиқлол ғоялари ва талабларига жавоб бера оладиган, жамиятнинг XXI аср таълимини халқаро андозаларига тўғри келишини таъминловчи давлат таълим стандартларини жорий этиш зарурлигини белгилади.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни. ЎРҚ-637-сон. 23.09.2020. – Т., 2020. – 75 б. //<https://lex.uz/docs/5013007>
2. Йўлдошев Ж.Ф. Таълим янгиланиш йўлида. – Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
3. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: “Знание”, 1989.
4. Olimov Sh. Sh., Durdiyev D.Q. Pedagogik texnologiya. – Buxoro: “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona nashryoti, 2019. – 184 b.
5. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: “Насаф”, 2000.
6. Педагогика. //В.В.Беларусова ва И.Н.Решетень умумий таҳрири остида. -Т.: “Ўқитувчи”, 1990.
7. Розиқов О., Оғаев С, Махмудов М, Адизов Б. Таълим технологияси. – Т.: “Ўқитувчи”, 1999.

МУНДАРИЖА

Бахтиёр АДИЗОВ. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари	5
Ширинбой ОЛИМОВ. Таълимни технологиялаштиришнинг асосий элементи	9
Болта ХОДЖАЕВ. Олий ўкув юртларида муаммоли таълим технологиясини қўллашнинг айрим жиҳатлари.....	15
Nasiba AZIMOVA, Zarina NASIMOVA. O‘qituvchi nazokatida dilkashlik va pedagogik takt.....	20
Акбар ГУЛБОЕВ. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг назарий ва методологик асослари....	26
Qobiljon ABDULLAYEV, Nargiza BOBOMURODOVA. Qadimgi mesopatamiyadagi madaniy-ma’rifiy taraqqiyot sarchashmalari	30
Гулия ҲАБИБОВА, Умида БАҲРИЕВА. Талабаларнинг мустақил иши - таълимни ташкил этишининг етакчи шакли сифатида.....	33
Лола ЭЛИБОЕВА. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оширишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш	37
O‘lmas QURBONOVA. O‘zbekiston va Finlyandiya ta’lim tizimi: muammo va istiqbollar.....	42
Гулчехра ИЗБУЛЛАЕВА. Муслиҳиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асари юксак дидактик манба сифатида	46
Gulnoz TOSHOVA. Pedagogik faoliyat va uni takomillashtirishda pedagog mahorati	52
Manzura OCHILOVA. Sharq mutaffakkirlari merosida oilada bolalarni axloqiy tarbiyalash.....	57
Dildora TOSHEVA. Boshlang‘ich sinflarda “Atrofimizdagi olam” fanidan “Yashil dorixona” mavzusini o‘qitishning pedagogik-psixologik imkoniyatlari.....	61
Bobomurod JO‘RAYEV. Somoniylar davrida ta’lim tizimi va mazmuni.....	65
Dilfuza RAKHMONOVA. Equirements for preschool education teacher.....	70
Matluba XOJIYEVA. TA’LIM JARAYONIDA AKSIOLOGIK TARBIYANI TASHKIL ETISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	74
Нигина ИСМАТОВА. Оиласда болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш усул ва воситалари.....	79
Олимжон АХМАДОВ. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти (XIX аср охири XX аср I чораги) .	83
Nilufar RAXIMOVA. Tarbiya va shaxs kamoloti	89
Gulshan SAIDNAZAROVA. Al-Buxoriyning hadislarida tarbiya masalasi	94
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Методика оценки развития экономического мышления у студентов вуза	98
Маърифат УМУРОВА. Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мусиқанинг ўрни.....	103
Oybek ORTIQOV. O‘quvchi-yoshlarni milliy mafkura ruhida tarbiyalash mazmuni	109
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	113
Olimjon AHMADOV, Dilnoza ELOVA. Buxoro bosmaxona va nashriyotlariga texnika sohasidagi yangiliklarning kirib kelish tarixidan (1920-1924-yillar).....	116
Madina BAXRAMOVA. Modulli ta’limni joriy etishning muammolari va yechimlari	120
Болта ХОДЖАЕВ, Ситора ШАРИПОВА. Талабаларнинг ўкув– билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш	124
Shaxlo XALILOVA. Jahon pedagogikasida pedagogik muloqotning zamонавиј uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublari bilan integratsiyasi	129
Zuxriddin SHERNAZAROV. Abdulla Avloniyning ma’rifiy-pedagogik faoliyati	134
Феруза ЖУМАЕВА. Ўзбек оиласарида ёшларнинг оиласий тарбия ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш	138